

## ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА СЕН/СИЗ МУРОЖААТ ШАКЛЛАРИ ВА ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сурайё Серажиддиновна Сайдуллаева

Навоий давлат педагогика институти докторанти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола ўзбек ва инглиз тилларида мурожаат шакллари “сен” ва “сиз”- “you” ларнинг талқинига бағишланади. Ҳар иккала миллатнинг нутқий мулоқотида коммуникантлар ўртасида ҳурмат категориясини англатувчи ушбу мурожаат шакллари кўлланилиши ва лингвомаданий хусусиятлари ўзбек ва инглиз тилидаги бадий асарлар ҳамда ижтимоий ҳаётимизда учрайдиган матнлар таҳлиллари асосида уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ёритиб берилган. Шу билан бир қаторда, мақолани ёзишда бир қатор олимларнинг қарашлари ва илгари сурган назарияларидан фойдаланилган.

**Калит сўзлар:** сен, сиз, you, мурожаат, ҳурмат, аффикслар, жинс категорияси, ёш категорияси, лингвомаданият, ностандарт нутқ, нутқий мулоқот.

### ABSTRACT

This article is devoted to the interpretation of the forms of address in the Uzbek and English languages "you-sen" and "you-siz" (Uzbek) - "you" (English). The use, as well as the linguistic and cultural characteristics of these forms of address, which represent a category of respect among communicators in the speech dialogue of both nations, highlight their similarities and differences based on the analysis of works of art in Uzbek and English and texts encountered in our social life. In addition, the views and theories put forward by a number of scientists were used when writing the article.

**Keywords:** you-sen, you-siz, you, appeal, respect, affixes, gender category, age category, linguistic culture, non-standard speech, verbal communication.